

**ЎЗБЕКИСТОН – БАХТИЁР МИЛЛАТЛАР ВАТАНИ
ЁХУД КОРЕЙСЛАРНИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚИ БИЛАН 85 ЙИЛЛИК
ШОНЛИ ДҮСТЛИК ЙЎЛИГА БИР НАЗАР**



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-259-269>

Амонов Азизбек Амонжонович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети бўлум бошлиғи,

Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

E-mail: amonov_83@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Маълумки, миллатлараро тотувлик ва халқлар дўстлиги масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шу маънода бугунги кунда Ўзбекистонда истиқомат қилувчи 130дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч ва аҳилликда яшаб келиши мөқдада. Ҳар бир миллат ва элат вакили ўз тарихи, маданияти, тили, қадрияларини ўрганиши ва ўзи хоҳлаган динига эътиқод қилиши имконияти мавжуд. Барча миллатлар қатори корейс миллати вакиллари ҳам Ўзбекистон ҳудудига келиб истиқомат қилаётганига бу йил 85 йил тўлади. Корея Республикаси билан дипломатик алоқалар ўрнатилганига эга 30 йил. Мақолада 85 йил аввал Ўзбекистон заминига корейс миллати вакилларининг кўчириб келиниши, уларнинг бу муқаддас заминда жойлашиб яшаш даври, босқичлари ҳаётий мисолларда келтирилган. Ушбу миллатга мансуб Республика корейс миллий маданият асоссияси раҳбари, депутат, корейс диаспорасига мансуб бир нечта вакилларининг ҳам ҳаёти йўли сухбат асосида социологик сўров услуда олинган маълумотлар батафсил келтирилган.

Калим сўзлар: миллат, элат, дўстлик жамияти, корейс, диаспора, тотувлик, бағрикенглиқ, тинчлик, маданият, қадрият, дўст, дипломатик алоқалар, 85 йил, қўни-қўшини мерос.

**UZBEKISTAN IS THE HOMELAND OF HAPPY NATIONS
OR THE 85TH ANNIVERSARY OF THE KOREANS WITH THE UZBEK
PEOPLE**
A LOOK AT THE GLORIOUS PATH OF FRIENDSHIP

Amonov Azizbek Amonjonovich

Head of Department, Tashkent State University of Economics,

Doctor of Philosophy in Sociology (PhD)

E-mail: amonov_83@mail.ru

ABSTRACT

It is known that the issue of interethnic harmony and friendship of peoples has risen to the level of public policy. In this sense, today more than 130 nationalities and ethnic groups living in Uzbekistan live in peace and harmony. Representatives of every nation and ethnic group have the opportunity to study their history, culture, language, values and believe in the religion of their choice.

This year marks the 85th anniversary of the arrival of Koreans of all nationalities in Uzbekistan. Has established diplomatic relations with the Republic of Korea for 30 years. The article gives real-life examples of the resettlement of Koreans to Uzbekistan 85 years ago, the period and stages of their settlement in this sacred land. The head of the Republican National Cultural Association of the Republic of Korea, a member of the Korean diaspora, and several other members of the Korean diaspora also provided detailed information on the life of the interview.

Keywords: nation, ethnicity, friendship society, korean, diaspora, harmony, tolerance, peace, culture, value, friendship, diplomatic relations, 85 years, neighborly heritage.

УЗБЕКИСТАН – РОДИНА СЧАСТЛИВЫХ НАРОДОВ ИЛИ 85-ЛЕТИЕ КОРЕЙЦЕВ С УЗБЕКСКИМ НАРОДОМ ВЗГЛЯД НА СЛАВНЫЙ ПУТЬ ДРУЖБЫ

Амонов Азизбек Амонжонович

Руководитель отдела Ташкентского государственного экономического университета, доктор философии в области социологии (PhD)

amonov_83@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Известно, что вопрос межнационального согласия и дружбы народов поднялся на уровень государственной политики. В этом смысле сегодня более 130 национальностей и народностей, проживающих в Узбекистане, живут в мире и согласии. Представители каждой нации и этнической группы имеют возможность изучать свою историю, культуру, язык, ценности и верить в религию по своему выбору.

В том году исполняется 85 лет со дня прибытия корейцев всех национальностей в Узбекистан. Установил дипломатические отношения с Республикой Корея на 30 лет. В статье приведены реальные примеры переселения корейцев в Узбекистан 85 лет назад, период и этапы их заселения на этой священной земле. Были опрошены глава Республиканского национально-

культурного объединения Республики Корея, представитель корейской диаспоры и несколько других представителей корейской диаспоры.

Ключевые слова: Нация, люди, Общество дружбы, Корейский, диаспора, Мир, Толерантность, Мир, Культуру, ценности, Дружбу, дипломатические отношения, 85 лет, Соседское наследие.

КИРИШ

Янги Ўзбекистонда орзулар рўёби

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Жамиятимизда хукм сурайтган ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада ривожлантириш, қайси миллат, дин ва эътиқодга мансублигидан қатъи назар, барча фуқаролар учун тенг ҳукуқларни таъминлаш эътиборимиз марказида бўлади”, – дея таъкидлаган.

Халқлар дўстлиги ўзбек халқида қадрият даражасида асрлар давомида шаклланиб, сўнги беш йилда янги босқичга кўтарилди. Бунга 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва унинг бешинчи “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикентгликни таъминлаш ҳамда чукур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёsat соҳасидаги устувор йўналиш” сифатида жамладан, миллатлараро тотувлик масаласининг давлат сиёsatи даражасида ҳаракатга келтирилишини айтиш ўринли. Шунингдек, Давлатимиз Раҳбарининг халқимизнинг барча миллат ва элат вакиллари билан биргалиқда янги Ўзбекистонни юксалтириш борасидаги юксак иродаси, азмушижоатида ҳам кузатиш мумкин.

Бунинг мисолини Президентимиз Ш. Мирзиёев томонидан алоҳида эътибор билан юртимизда **“30 июль – Халқлар дўстлиги куни”** этиб белгилаш таклифини илгари сурилиши ва парламент томонидан ушбу санада “Халқлар дўстлиги кунини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни қабул қилинишининг ўзи ҳам тарихий ҳақиқатdir.

Байрам сифатида айнан 30 июль таклиф қилинганлиги бежиз эмас. БМТ Бош Ассамблеясининг 2011 йил 3 майдаги 65-сессиясида қабул қилинган 65/275-сонли резолюциясида халқлар, давлатлар, маданиятлар ва инсонлар ўртасидаги дўстлик, тинчликни таъминлаш билан боғлиқ ҳаракатларни илҳомлантириш ҳамда маданий хилма-хилликни ҳурмат қиласиган жамиятлар ўртасида кўприклар ўрнатиш имкониятини яратиш мақсадида 30 июль – Халқaro дўстлик куни (International Day of Friendship) сифатида кенг нишонлаш

белгиланган. Бугунги кунда 35 миллиондан ортиқ аҳолиси бўлган юртимизда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари аллақачон ўзларига “Бағрикенг диёрнинг – баҳтиёр инсонлари” шиорини ўзларига маёқ қилиб, ватанимиз иқтисодиётининг турли тармоқларида, таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан ва маданият каби ижтимоий соҳаларида самарали меҳнат қилиб, жонажон Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнашига, унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, республиканинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва имижини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Сеул шаҳридан 5000 км узокликда Тошкент шаҳрининг “Халқлар дўстлиги” боғидан корейс қўшиқларининг янграётгани бунинг яққол мисоли.

Яхши шерик билан узоқча борасан!

Корея ва Ўзбекистон ўртасидаги Дипломатик алоқалар 1992 йилдан ўрнатилган. Бироқ, икки халқнинг дўстлиги 1937 йилларда 70 мингдан ортиқ корейс оиласи мажбуран Ўзбекистонга олиб келинганида бошланган.

Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йилининг 22-25 ноябрь кунлари давлат ташрифидан билан Корея Республикасида бўлганда Корея Президенти Мун Чжэ Ин сухбатида Ўзбекистондаги яшовчи корейс халқи ҳақида тўхталиб ўтган эди. **“Ўзбекистонга 80 йил муқаддам миллатдошларимиз узоқ шарқдан мажбуран кўчириб келтирилган пайтида ўзбек халқи уларни илиқ кутиб олган ва ўз эҳтиромларини кўрсатган, ҳозир ҳам корейс миллатдошларимиз энг кўп яшаб келаётган юрт – бу Ўзбекистондир. Корея халқи Ўзбекистонни биродар юрт сифатида билади ва мен Ўзбекистон ҳақида гапирганда доим қалбимда миннатдорлик туйғуларини ҳис этаман”,** дейди у. Корея раҳбарининг бу гапларига ҳам 5 йил бўлибди. Ўтган 2021 йилнинг 17 декабрь куни мамлакатимиз раҳбариятнинг Корея Республикасидаги давлат ташрифи чоғида мамлакат раҳбарига **“Ҳурматли Шавкат Мирзиёев жанобларини, менинг қадрли биродаримни қутлайман”,** – деб нутқини бошлади мамлакат президенти Мун Чжэ Ин. **“... Корея ва Ўзбекистон алоҳида стратегик шериклик муносабатлари билан боғланган ҳамкорлардир. Биз Ўзбекистон билан елкама-елка туриб, глобал иқлим ўзгаришларига қарши туришга, “ақлли” шаҳарлар, смарт-фермалар, АҚТ ва электрик автомобиллар ишлаб чиқариш каби истиқболли йўналишларда ҳамкорликни ривожлантиришга тайёрмиз. Келаётган йилда биз дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонлаймиз. Умид**

қиламанки, янги йилда биз биргаликда фаровонликнинг янги саҳифасини очамиз”, – деб ўзининг стратегик ҳамкорлик режаларини баён қилди.

Бу йил эса 85 йилиги кенг нишонланади. Шу ўринда алоҳида атиб ўтиш лозимки, давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни қўллаб-қувватлаш ҳамда халқларимизни янада яқинлаштиришда кўп сонли корейс дияспораси мухим роль ўйнайди. Ушбу миллат вакиллари МДҲда энг йирик диаспора бўлиб, нуфузи жиҳатидан дунёда тўртинчи ўринда туради. Бугун Ўзбекистонда уларнинг 180 мингдан зиёд вакили истиқомат қилмоқда.

Олий Мажлис депутати Виктор Пак сўзлайди.

Юртимиздаги корейс халқлари бир жойда жам қилаётган Ўзбекистон корейс маданий марказлари ассоциацияси мавжуд. Биз ассоциация фаолияти ва корейс халқининг Ўзбекистон ўлкасига келган илк йиллари ва бугунги куни ҳақида янада кўпроқ маълумот олиш мақсадида Ассоциация раиси Пак Виктор Николаевич билан сұхбатлашдик.

– Бугунги кунда бағрикенг Ўзбекистонда истиқомат қилаётган миллат ва эалатлар орасида 180000 дан ортиқ корейс диаспораси мансуб фуқаролар яшаб келишимоқда, – дейди **Ўзбекистон корейс маданий марказлари ассоциацияси раиси Пак Виктор Николаевич**. – 85 йил аввал, собиқ совет иттифоқи ССР раҳбариятининг тегишили қарори билан Шарқ мамлакатларининг чека ҳудудларига корейс миллатига мансуб аҳоли кўчирив ўтказилган. Жумладан ўша вақтдаги Ўзбекистон ҳудудидаги вилоятларнинг чека жойларига 75 мингдан ортиқ корейс оиласи поездларнинг “ҳайвон” ташишига мўлжалланган вагонларида кўчирив, ташиб олиб келинган, жойлаштирилган. Мамлакатимизнинг асосан Тошкент вилояти, Қорақалпогистоннинг орол бўйи ҳудудларида маҳаллий туп аҳоли бу миллат вакиллари оғирини енгил қилиб, бағрини очган, нон-туз берган, уй-жой берган, мослашиб яшашига кўмак берган. Ўзбекистон ҳудудининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти жуда ихчам ва қулай жойлашиб яшамоқда. Нисбатан камроқ қисми эса бошқа вилоятларда ҳам истиқомат қилмоқда. Депортация қилинганлар ичида мени бувам, бувим ва уч фарзанди ҳам бўлган. Шароити йўқ, совуқ поездга солиб жўнатилган корейслар, бир ойлик йўлда бир фоизидан кўпроғи яъни кексалар, касаллар ва ёш болалар ҳалок бўлган. Уларни қабристонга кўмишига имкон бўлмаганидан поезд йўлда бир-икки соатга тўхтаган вақтида поезд йўли атрофларида майдни тош-кесак билан ёпиб кетаверишган. Мана шундай азобли ҳолда юртидан айрилган муҳожисларни охир ийға ҳаёллар, ечими номаълум саволлар қийнарди. “Қаерга кетяпмиз?”,

“Бизни кимлар, қандай ҳаёт кутяпти?”, “Ҳаётимиз қандай кечади?” деган жавобсиз саволлар билан Ўзбекистонга келишиади.

Ўша вақтларни бувам шундай эслайди: “Ўзбекистонга келганимизда кеч куз кирган, қишининг боши эди. Аҳоли ҳам ундаи ўзидан ортган халқ бўлмаган. Шундай бўлса-да, бизга бир хонали уйига киритиб, ўртасидан парда тортуб ўзидан жой берган, дастурхонидаги борини баҳам кўрган. Буни ҳеч қачон эсингдан чиқарма”, – деган эди бувам.

– Яна бир муҳим жиҳат мана мен 65 ёшга кирган бўлсан, эсимни танибманки, ҳали ўзбек корейс уришибди, тортшибди деган гапни эшиятганим йўқ. Кўни-қўшини бўлиб яшаб келишимоқда. Ўзим ҳам ўзбек маҳалласида ўзбек йигитлари билан ўртоқ бўлиб катта бўлганман. Ҳозиргача дўстлигимиз давом этмоқда, – дейди Виктор Николаевич.

Ўзбекистон корейс биродарларининг маҳаллийлашуви

1937 йилдан буён Ўзбекистонга келган корейслар турли даврларни бошдан кечиришиди. Собиқ Марказ “сиёсати”да кўчириб келинган корейсларга халқ сифатида, шу юртда яшовчи инсон сифатида ҳам назар-писанд қилмас эди. Масалан, уруш йилларида уларга урушга қатнашиш ҳуқуқи берилмаган. Бу миллат вакиллари бағрикенг Ўзбекистон диёри халқининг ҳар бир миллат ва элат вакилига ўз ота-онаси, боласи, яқинидек қучоқ очиб, меҳр-оқибат кўрсатганидек буюк фазилатлари учун ўзбек халқи билан оғирида ҳам, енгилида ҳам бир тан бир жон бўлиб яшашга интила бошлаган. Шундай воқеалардан самарқандлик, келиб чиқиши корейс миллатига мансуб Ким фамилиялик корейс фамилиясини Содиковга ўзгартириб урушга кетган. Ўша вақтлар Корейсларни урушга қатнашишга рухсат бермаган бўлса-да, оғир техник ишларда ишлаб, меҳнати билан ўз хиссасини кўшган. Дала ишларида ҳам фаол бўлишган кенаф, маккажўхори этиштирган. Улар ўша вақтнинг ўзидаёқ меҳнат унумдорлигига инновацияларни қўллаш каби интилишлари натижасида эккан маккажўхориларининг бўйи олти метиргача бўлган.

1953 йилгача корейслар бир тумандан бошқа туманга чиқолмаган ва бунга сабаб қўлида шахсини тасдиқловчи паспорти ҳам бўлмаган. Кейинчалик ўзбек халқининг корейсларни Ўзбекистон худудида ўз заминида яшаётган халқ вакили сифатидаги мавқейини оширишдаги хизматлари, уларнинг тезроқ маҳаллийлашувчи яқиндан берган кўмаклари туфайли 1953 йил бир кисм корейсларга паспорт берилган ва бу билан уларнинг озми кўп хақ-ҳуқуқлари тикланган. 1957-1976 йилларда корейслардан 138 та меҳнат фахрийси чиқкан.

Ўзбекистон Республика Президентининг миллатлараро тотувлик муносабатлари борасида юртимизда истиқомат қилувчи барча миллат ва элат вакилларининг ўз тарихи, маданияти, тили ва урф-одатлари, қадриятларини ўрганиш учун яратиб берилган қулай имкониятлардан фойдаланиб Ўзбекистон корейс маданий марказлари ассоциацияси томонидан 1976 йилдан кейинги йилларда чиқсан меҳнат фахрийларини маълумотларини йиғиб жами 206 тасини биографик очерк шаклида 2019 йили “Совет иттифоқининг корейс меҳнат фахрийлари” номли китоби нашрдан чиқарилган. Китобдан ўрин олган “Меҳнат фахрийлари”дан Николай Васильевич Хоразм вилоятидан Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида шоли этиштириш бўйича, Ким Ен-Сун 2 гектар майдондан гектарига 815,27 сантнер қанд лавлаги олгани учун, Ан Вон-Сун Чирчик туманидан 3 гектар майдондан гектарига 103,2 сантнер яшил кенаф пояси олгани учун[1]. Қолганлари ҳам мана шундай меҳнат қилиб ютуққа эришган.

Бағрикенг диёрда

Бугунги кунда ҳам мамлакатда 180 мингдан зиёд корейс миллатига мансуб юртдошларимизнинг 300 юзга яқини Ўзбекистоннинг юксак мукофотлари билан тақдирланган. Улар орасида депутатлар, хукумат аъзолари, хизмат кўрсатган фан, маданият ва санъат арбоблари, юқори малакали мутахассислар бор. Булар қаторида Ўзбекистон Қаҳрамони, Хивадаги Мехрибонлик уйи директори Вера Пак, мактабгача таълим вазири Агриппина Шин, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раисининг хорижий алоқалар ва ватандошлар билан ишлаш бўйича ўринбосари Валерий Тян, Олий Мажлис депутати Виктор Пак, Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги элчиси Виталий Фен, рассом Николай Шин, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Владимир Ким, тиббиёт фанлари доктори, профессор Александр Шек ҳам бор.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, айтиб ўтганимиздек, кенг имкониятлар яратилган. 2015 йилда йиллар давомида олиб борган саъи-ҳаракатларимиз бесамар кетмади. “Вақтинча Ўзбекистон фуқароси” мақомида яшаб келган аксарият корейс миллатига мансуб бўлган инсонларга Ўзбекистонинг доимий фуқароси паспорти берилган. Шунингдек, 2019 йилда ҳам мана шундай муаммаси бўлган яна 70 нафар корейсларга Ўзбекистон фуқароси паспорти берилди.

Ўзбекистонда бошқа миллат ва элат вакиллари сингари ҳар бир корейслар ҳам ўз тарихи, тили, маданияти, дини, урф-одат, қадриятларини ўрганиш, миллий маросим ва байрамларини нишонлаш имкониятлари яратилган. Бугунги кунда ассоциациянинг 22 та бўлими бор вилоятларда ва Тошкент вилоятида 8 та, шаҳарда ассоциациянинг ўзи. Бу бўлимларда корейслар ўз она тилларини ўрганадилар, бошқа этник бирлашмалар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг давлат ва миллий байрамларини ҳамда Соллал — корейсча янги йил, Тано — ёз байрами ва Чусок — ҳосил байрами каби корейс халқининг миллий байрамларини нишонлайдилар. Ўзбек халқининг азалий миллий таомлари: ош, қозон кабоб, норин, ҳалим, сумалак, турли сомсалар деярли барча корейс хонадонида тайёрланади ва севиб истеъмол қилинади. Корейсларнинг “чимчи” ва бошқа салатларини барча ўзбекларнинг дастурхонида кўриш мумкин. Шунингдек, юртимизда корейс филологияси 12 та олий таълим муассасаси, 48 та мактаб ва лицейда ўқитилмоқда. Ҳар иккала халқ вакиллари корейс фильмлари ёки ўзбек фильмларини тамоша қилишади, ўзбек ва корейс тилидаги қўшиқлар севиб куйланади, эшитилади.

Ҳар бир марказ қошида фольклор рақс, қўшиқ жамоалари тузилган ва она тили тўгараклари, шахмат ҳамда спортнинг миллий турлари бўйича секциялар фаолият кўрсатади. Ундан ташқари, ҳар бир марказда Оқсоқоллар кенгаши ва диний маросимларни ташкил қилиш бўйича ташкилотлар фаол ишламоқда. Ҳар йили “Ўзбекистонлик корейсларнинг анъаналари ва урф-одатлари” республика конференциялари кенг микёсда ўtkазиб келинади. Ушбу анжуман натижалари бўйича мавзуга оид рисолалар ва бошқа тарбибот-ташвиқот материаллари чиқарилади. Айтиш ўринлики, ўtkaziladigan турли тадбирлар ва байрамларда кўплаб ўзбек халқининг ажralmas қисми бўлиб тотувликда яшаб келаётган кўплаб корейслар ҳам турли давлат мукофотлари ва бошқа муносаб ютуқлари учун тақдирланадилар.

Ўхшалий йўқ марказ

Мухтарам Президентимизнинг 2019 йилда пойтахтимизнинг Яшнобод туманида Осиё мамлакатларида қулайлиги, кўркамлиги бўйича тенгсиз Корейс миллий маданият маркази биноси қурилди. Ушбу марказ Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси раҳбарлари томонидан тантанали равишда очиб фойдаланишга топширилди.

Мазкур маданият уйида 460 ўринли киноконцерт зали, конференциялар зали, кутубхона, бадиий галерея, ресторон ва хизмат хоналарни ўз ичига олган. Бугун марказ аллақачон жамоатчилик ва ёшлар интиладиган, муштарак

маданиятни бойитадиган, тотувлик муносабатлари акс этган ажойиб масканга айланади. Бу жой алоҳида стратегик шерик давлатлар – Ўзбекистон ва Жанубий Корея муносабатлари тарихидаги яна бир ёрқин жой бўлган десак, муболаға бўлмайди. Янги бинода кўплаб янгиликлар амалга оширилади. Корейс тилида китоб ва газеталар чоп этилмоқда, кўргазмалар, концерт ва фестиваллар, спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Хусусан, “Ченсон” телеканал эфирга узатилади. 2019 йил 1 ноябрдан бошлаб “Корейцы Узбекистана” номли газетаси чоп этилмоқда. Газетада Ўзбекистондаги сиёсий-ижтимоий жараёнлар, байрамлар ва корейс халқининг урф-одатлари байрамлари, республика худудида ўтказилаётган тадбирлар, янгиликлар, Ўзбекистонда ва Кореяда яшаган олимлар, ижодкорлар ҳаёти, меҳнат фаолияти ҳамда долзарб мавзулардаги мақолалар ёритиб борилаётганини кўриш мумкин.

Икки давлат раҳбарларининг 2021 йил декабрь ойидаги учрашуvida Давлатимиз раҳбари 2022 йилни “Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги ўзаро алмашинувлар йили” деб эълон қилишни, Тошкентда Корейслар тарихи музейи ҳамда Корейс маданият ва санъат уйи қошида кутубхона ташкил этишни таклиф этди. Ҳозирда бу борадаги ишлар олиб борилмоқда.

– Бугун корейс миллати вакиллари Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси ижросини бажаришда ва учинчи реннесанс пойдеворини барпо этишда ўзбек халқи билан биргалиқда бир тан бир жон бўлиб ҳаракат қилмоқда, - дейди Ассоциациянинг масъул ходими Наталья Шек. – Аслида, ўзбек ва корейс халқларининг менталитети, меҳнат севарлик, тотувликда яшаш, фидоийлик каби фазилатлари бир бирига жуда яқин. Буни тарихда ва бугунги кунда ўзбек ва корейслар ҳамкорлигига барча соҳалардаги амалга оширилаётган ишлар натижаларида ҳам кузатиш мумкин. Корейс миллий маданият маркази ҳам икки халқни ҳамкорлигини тарихий асосларга таянган ҳолда янада мустаҳкамлаш, мамлакатни бугуни ва келажагини юксалтириш йўлида кенг кўламли ишларни амалга ошириб келмоқда. Ассоциация Марказида янги лойиҳалар жумладан, корейслар тарихи музейи, кутубхона ташкил этилмоқда. Бу ерда корейслар тарихи ва маданиятини илмий тадқиқ этиш, корейс миллати вакилларига ўзи яшаётган заминни тили – ўзбек тилида ёзиш, ўқиши, гапиришни ўрганиш ҳамда корейс тилида ёзиш, ўқиши, гапиришни ўргатиш ҳам режалаштирилган.

ХУЛОСА

Хуллас, ҳали ўрганишимиз лозим бўлган тарихий маълумотлар, манбалар кўплаб мақола ва муносабатларда, олимларнинг тадқиқотлари натижасидан ҳам

ўқиб ўрганишимиз, эшитишимиз мумкин. Ўзбек ва корейс халқларининг бирдамлиги ва ҳамкорлиги абадий бўлсин.

REFERENCES

1. Д.И.Шин. Советские корейцы – герои социалистического труда. [текст]. – Тошкент. Zamin Nashr. 2019. – 544 с.: ил
2. Мирзиёев, Ш.М.(2017). Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. Тошкент, Ўзбекистон, 592 б. (Mirziyoev, Sh.M. (2017). We will continue our national development path with determination and bring it to a new level. Tashkent, Uzbekistan, p.592.)
3. Мирзиёев, Ш.М.(2021). Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент, Ўзбекистон, 464 б (Mirziyoev, Sh.M.(2021). New Uzbekistan strategy. Tashkent, Uzbekistan, p.464.)
4. Каримов, И.А.(2008). Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, Маънавият нашриёти, 176 б. (Karimov, I.A. (2008). High spirituality - invincible power. Tashkent, Spirituality publishing house, p.176.)
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – 592 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Халқимизни розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – 592 б.
7. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2019. – 400 б.
8. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2019 йил 28 декабрь.
9. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2017 йил 21 декабрдаги 2396-сонли резолюцияси; БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 12 декабрдаги ялпи сессиясида «Маърифат ва диний бағрикенглик» маҳсус резолюцияси.
10. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2018.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармон.
12. 2017 йил 19 майдаги «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5046-сонли фармон.

13. Муртазаева Р.Х. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. Олий ўқув юртларининг магистрлари учун ўқув қўлланма. Т.: «Университет», 2007.
14. Саифназаров, И., Обидов, А. (2019). Динлараро ҳамжиҳатлик - ижтимоий барқарорлик омили. - Тошкент : Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi, - 142 б.
15. Саифназаров, И. (2019). Толерантлик—комил инсон белгиси. Архив научных исследований.
16. Saifnazarov, I., Muhtarov, A., Sultonov, T., Tolibov, A. (2020) Religious tolerance, unity of knowledge and faith issues highlighting in Imam Bukhari Hadiths. International Journal of Advanced Science and Technology 29 (5), pp. 1846-1853.
17. Umarjonov, S.S., Safarov, M.K. (2021). Fahriddin Roziyning “Latoif ulg’iyosiyot” qo’lyozma asarida aql va e’tiqod masalasining qo’yilishi va uning diniy-falsafiy germenevtik tahlili. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(5), 1058-1068.
18. Umarjonov, S.S. (2021). Ijtimoiy – gumanitar fanlarni o‘qitishda Fahriddin Roziyning ontologik qarashlarining o‘rni va ahamiyat. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(9), 1029-1038.
19. Saifnazarov, I., Xujayev, M. (2018) Axmad Zaki Validiy islamic culture. Экономика и социум, 2, 55-57.